БИР БЎЛСАК – ЯГОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК – ВАТАНМИЗ!

VATANDOSHLAR

Ижтимоий-оммабоп газета

№ 3, 2026 йил, март (№ 10)

vatandoshlar.uz vatandoshlar_fond vatandoshlar_fondi vatandoshlarfondi @Vatandoshlar





Наврўз

ВАТАНДОШЛАРНИ БИР ДАСТУРХОН АТРОФИДА БИРЛАШТИРГАН БАЙРАМ

Бу йил Наврўз — янгиланиш ва эзгулик байрами — Европанинг кўплаб шаҳарларида, жумладан Нидерландия, Россияга, Туркия, Германияда миллий қўшиқ ва рақслар янграб, дастурхонга сумалак тортилди. Байрам юртдошларимизни бир-бирига ва Ватанга янада яқинлаштирди.





Наврўз асрлар давомида халқимиз учун шунчаки баҳор байрами эмас, балки эзгулик, меҳр ва ҳамжиҳатликнинг рамзи бўлиб келган. Бу йил ҳам «Ватандошлар» жамоат фонди ташаббуси билан ташкил этилган байрам хорижда яшаётган юртдошларимизни бир байроқ остида бирлаштирди.



Наврўз — қаерда бўлсак ҳам, бизни бир халқ сифатида боғлаб турадиган кўринмас ип.

Нидерландиянинг Эйндховен шаҳридаги тадбир ватандошлар ва маҳаллий аҳолини дўстлик муҳитида жамлади. Дастур давомида миллий чиқишлар намойиш этилиб, меҳмонлар ўзбекона дастурхондан баҳраманд бўлишди.

Россиянинг Омск шаҳрида эса «Ўзбек маданияти кунлари» доирасида баҳор ва янгиланиш байрами нишонланди. Турли миллат вакилларини бирлаштирган тадбирда палов ва сумалак тортилди; айрон тайёрлаш бўйича маҳорат дарси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Туркиянинг Истанбул, Бурса, Анталия ва Аланья шаҳарларида



Наврўз кўтаринки руҳда кутиб олинди. Миллий куй-қўшиқлар, маданий чиқишлар ва байрамона дастур меҳмонларга хуш кайфият улашди; байрам турли халқлар вакилларини дўстлик ва миллий анъаналар уйғунлигида жамлади. Германиянинг Леверкузен ва Ганновер шаҳарларидаги байрамларда 400 нафарга яқин ватандошларимиз ва талаба ёшлар иштирок этди. Миллий ўйинлар, саҳнавий чиқишлар, қўшиқ ва рақслар, сумалак ҳамда бошқа миллий таомлар иштирокчиларга юрт муҳитини яқиндан ҳис этиш имконини берди.

Бундай тадбирлар хориждаги ватандошлар ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва уларни ёш авлодга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2026 йил, март vatandoshlar.uz vatandoshlar_fond vatandoshlar_fondi vatandoshlarfondi @Vatandoshlar

ДЎСТЛИК КЎПРИКЛАРИ: ҚАРДОШ ЮРТЛАР ВАКИЛЛАРИ ФАРҒОНАДА ЖАМЛАНДИ



29–31-март кунлари Фарғонада “Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжон Дўстлик форуми” бўлиб ўтди. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Озарбайжондан ташриф буюрган ватандошларимиз иштирок этган форум минтақавий ҳамкорлик ва халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қилди.





Форум “Дўстлик стеласи” пойига гул қўйиш маросими билан бошланди. Фарғона давлат университетида “Дўстлик стеласи — қардош мамлакатлар ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ва стратегик шериклик рамзи” мавзусида илмий-амалий конференсия ўтказилди. Анжуманда илм-фанга доир алоқаларини мустаҳкамлаш, ўзаро ишончни ошириш ва стратегик шерикликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.



Форум доирасида этногастрономик кўчада кўргазма ва консерт дастури ташкил этилди. Миллий ва замонавий куй-қўшиқлар, жозибадор рақслар меҳмонларга кўтаринки кайфият улашди; кўргазмада турли халқларнинг маданияти, санъати ва пазандачилик анъаналари намойиш этилди. Тадбирлар Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ОАВда кенг ёритилди.



“UZHACK” ЁШЛАР ИННОВАЦИЯСИ БОЛТИҚБЎЙИДА

“Ватандошлар” жамоат фонди, Латвиядаги Ўзбекистон элчихонаси ҳамда Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси ҳамкорлигида хориждаги ёшлар учун “УзҲаск” лойиҳасига старт берилди. Латвия, Литва ва Эстонияда таҳсил олаётган ёшлар иштирок этган 48 соатлик ҳакатонда иштирокчилар инновацион ғоялар ва амалий лойиҳалар устида ишлади, креатив фикрлаш ва жамоавий ишлаш салоҳиятини намоён этди.







Илк бор ташкил этилган ушбу хакатон ёшларнинг инновацион ғояларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Лойиҳа тажриба алмашиш, жамоада ишлаш ва реал муаммоларга замонавий ечимлар топиш учун муҳим платформа ҳисобланади. Тадбирда 70 дан ортиқ иштирокчилар қатнашиб, ўз билим ва кўникмаларини синовдан ўтказмоқда.

vatandoshlar.uz vatandoshlar_fond vatandoshlar_fondi vatandoshlarfondi @Vatandoshlar
2026 йил, март



Аёл оиланинг ҳам, Ватаннинг ҳам таянчи

8-Март — Халқаро хотин-қизлар куни баҳорнинг илк нафаси билан бирга келади. Бу кун оналаримиз, опа-сингилларимиз ва қизларимизга бўлган меҳр-муҳаббатни изҳор этиш, уларнинг оила ва жамият олдидаги бебаҳо хизматини эътироф этиш кунидир.

Аёл зоти азалдан ҳаётнинг давомийлигини, ўчоқ бошидаги меҳрни ва авлодлар ўртасидаги кўприкни таъминлаб келган. Айниқса, она юртдан узоқда — хорижда яшаётган ватандош аёлларимизнинг зиммасидаги масъулият янада оғир ва шарафли. Улар бегона муҳитда ҳам фарзандларига она тилини ўргатади, миллий қадриятларни сингдиради, ўзбекона урф-одатларни асраб-авайлайди. Кўп ҳолларда айнан она туфайли чет элда туғилган бола ўз илдизини, тилини ва Ватанини унутмайди.

Аёл бахтли бўлса — оила бахтли, оила бахтли бўлса — Ватан обод.

Бугунги Янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётдаги ўрни тобора мустаҳкамланмоқда. Улар тадбиркорликда, илм-фанда, санъат ва жамоат ҳаётида фаол иштирок этиб, ўз салоҳиятини намоён қилмоқда. “Ватандошлар” жамоат фонди ҳам хориждаги юртдошларимиз, жумладан хотин-қизлар билан доимий алоқада бўлиб, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашни ўз фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири деб билади.

8-Март арафасида барча мўътабар оналаримизга, опа-сингил ва қизларимизни ушбу айём билан чин қалбдан табриклаймиз. Уларнинг юзидан табассум, кўнглидан хотиржамлик аримасин, оилаларига тинчлик ва фаровонлик ёр бўлсин.

ЛИОНДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ТАРҒИБ ЭТИЛДИ



Франсиянинг Лион шаҳрида “Ватандошлар” жамоат фонди ташаббуси билан Ўзбекистоннинг бой маданияти, тарихи ва ҳунармандчилиги ҳақида маърифий учрашув ўтказилди. Иштирокчиларга миллий анъаналар, маданий мерос ва ҳунармандчилик санъати ҳақида маълумот берилди. Бундай тадбирлар Ўзбекистон маданиятини халқаро майдонда тарғиб этиш ва хориждаги ватандошлар ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.



VATANDOSHLAR

2026 йил, март

vatandoshlar.uz vatandoshlar_fond vatandoshlar_fondi vatandoshlarfondi @Vatandoshlar



НАВОИЙ ВА БОБУР МЕРОСИ — ВАТАНДОШЛАРНИ БИРЛАШТИРУВЧИ МАЪНАВИЙ ХАЗИНА

Улуғ бобокалонларимиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуди муносабати билан “Ватандошлар” жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида бир қатор маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.



Алишер Навоий — ўзбек адабий тилининг асосчиси, мумтоз шеъриятимизнинг юксак чўққиси. Унинг “Хамса”, “Хазойин ул-маоний” сингари бебаҳо асарлари асрлар оша халқимизнинг маънавий бойлиги бўлиб хизмат қилмоқда. Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса ҳам моҳир шоир, ҳам давлат арбоби сифатида жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган; унинг “Бобурнома” асари бугун ҳам дунё олимларини ҳайратга солиб келади. Ана шу икки буюк сиймо мероси — қаерда яшамасин, ҳар бир ўзбекни бир-бирига боғлаб турадиган маънавий риштадир. Шу боис улар таваллуди билан боғлиқ санани кенг нишонлаш хориждаги юртдошларимиз учун ҳам ўзликни англаш, миллий руҳни ҳис этиш фурсатига айланади.



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидаги тантана ҳазрат



“Китоб чегара билмайди — у минг чақирим узоқдаги юртдошни ҳам она замин билан туташтиради.”



Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйиш билан бошланди. Тадбир давомида фонд томонидан Навоий ва Бобур таваллуди муносабати билан эълон қилинган “Ижодий ишлар танлови” ғолиблари сертификат ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Танлов хорижда истиқомат қилаётган истеъдодли юртдошларимизни ижодга рағбатлантириш, уларнинг қаламини чархлаш ва ёзган асарларини кенг жамоатчиликка етказишга хизмат қилди.

Тадбир доирасида хорижда истиқомат қилаётган ватандош ижодкорларнинг янги асарлари китобхонлар эътиборига ҳавола этилди. Жумладан, Ўринбой Усмон нашрга тайёрлаган “Тожикистон ўзбек адабиёти антологияси”, Сабоҳат Дусчанова ва Абдували Йўлдошев ҳаммуаллифлигидаги “Қозоғистон ўзбекларининг номоддий маданий мероси”, Сайфулло Қулаевнинг “Ёркитоб” ҳамда Султонмурод Ҳожибоевнинг “Яхши бола қандай бўлади?” номли китоблари тақдим қилинди. Бу асарларнинг ҳар бири қўшни давлатларда яшаётган ўзбекларнинг адабиёти, маданий мероси ва турмуш тарзини ўзида акс эттиргани билан қадрлидир; улар она тилимизни асраш ва бойитишга қўшилган муносиб ҳиссадир.

Бунда ташаббуслар мамлакатимиздан олисда яшаётган ватандошларимизни она тили, миллий адабиёт ва маданият атрофида янада жипслаштиришга хизмат қилмоқда. Зеро, китоб чегара билмайди — у минг чақирим узоқдаги юртдошни ҳам она замин билан туташтиради.

НЮ-ЁРКДА “НАВОИЙ МЕРОСИ”



“Ватандошлар” жамоат фонди ҳамда Ўзбекистоннинг Нью-Йорк шаҳридаги Бош консулхонаси ҳамкорлигида АҚШдаги “Узбек Сосиетй оф Америса” жамиятида Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллигига бағишлаб “Навоий мероси” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Турли соҳа вакиллари иштирок этган учрашувда буюк шоирнинг ҳаёти ва ижоди юзасидан фикр алмашилди, асарларидан намуналар ёд этилди. Океан ортида яшаётган ватандошларимизнинг Навоий сўзи атрофида жамланиши миллий ўзлигимизни сақлашга бўлган интилиш нақадар кучли эканидан далолат беради.

Муассис: **“Ватандошлар”** жамоат фонди

Ижодий гуруҳ раҳбари: **Одилжон Саттаров**

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин. Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 20.12.2023 йил № 191084 да рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир: Абдурауф Зокиров
Дизайнер: Феруз Ҳакимов

Манзилимиз: 100090, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 45-уй

Қабулхона (55) 502-22-99 E-mail: gazeta@vatandoshlar.uz Veb-sayt: www.vatandoshlarfondi.uz